

Тазкия дарслари (212-дарс) Ихлос ибодатнинг мағизидир



19:00 / 08.01.2023 4155

«Ихлос» луғатда «тозалаш» ва «тўғрилаш» деган маъноларни англатади. «Холис бўлди» дегани «мусаффо бўлди» маъносига тўғри келади. Бу икки маъно орасидаги фарқ шуки, олдин бирор нарса аралашган бўлиб, кейин тозалангани «холис» дейилади. Мусаффо нарса олдиндан тоза бўлиши ҳам мумкин.

Уламолар ихлоснинг таърифида бир-бирини тўлдирувчи жумлаларни айтганлар.

Кафавий:

«Ихлос ибодатга сазовор Зотнинг ёлғиз Ўзини ибодат ила қасд қилишдир.

Дил, тил ва амалнинг мусаффо бўлиши, дейилгани ҳам бор», деган («Куллиёт», 64-бет).

Муновий:

«Ихлос қалбни унинг мусаффолигини кир қилувчи ҳар бир нарсдан халос қилишдир. Ҳар бир нарса ўзини кирлантирадиган нарсдан мусаффо ва халос бўлса, «халис» дейилади. Ихлос халос бўлишга ёрдам берадиган амалдир, деганлар ҳам бор», деган (Муҳаммад Абдурроуф Муновий. «Ат-Тавқийф алаа муҳиммотит-таъорийф», 42-бет).

Аллоҳ таоло Зумар сурасида марҳамат қилади:

﴿الذِّبْنَ لَهُ مُخْلِصًا اللَّهُ فَأَعْبُدْ بِالْحَقِّ الْكَتَبَ إِلَيْكَ أَنْزَلْنَا إِنَّا

يَهْدِي لِأَلَّا اللَّهُ إِنْ يَخْتَلِفُونَ فِيهِ هُمْ مَا فِي بَيْنَهُمْ يَحْكُمُ اللَّهُ إِنْ زُلْفَىٰ إِلَىٰ لِيُقَرِّبُنَا إِلَّا نَعْبُدُهُمْ مَا أُولَٰئِكَ دُونِهِ مِنْ أَتَّخَذُوا وَالذِّبْنَ الْخَالِصُ الَّذِي لِلَّهِ أَلَّا

﴿كَفَّارٌ كَذِبٌ هُوَ مَنْ

«Бас, Аллоҳга Унга динни холис қилган ҳолингда ибодат эт. Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир», деган (2-3-оятлар).

Аллоҳнинг динига ихлос қилиш фақат Аллоҳ таолонинг Ўзини кўзлаб, розилигини ўйлаб иш қилишдан иборатдир.

Ихлос ибодатнинг мағизидир.

هُلَلَا يَضَرَّ رِيَّهَ يَبَا نَع
هُلَلَا لُؤْسَرَلَا قَلَا قُ هُنَع
مَلَسَو هِيلَع هَلَلَا يَلَص

يَلَاغَتَ وَكَرَابَتُ هَلْ لَاقِ
 نَعِءَاكَ رُشَلَا يَنْعَا أَنَا
 كَرُشَا أَلَمَعَ لَمَعَ نَمِ، كَرُشَلَا
 هُتَكَرَتَ يَرْيَغُ يَرْيَغُ هِي فِ
 مَلْسُمُ هَاوَرِ. «هَكَرُشَوِ»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ таборака ва таоло айтади: «Мен ширкдан беҳожатларнинг беҳожатиман. Бас, ким бир амал қилса-ю, унда Менга бошқани ширк келтирса, Мен уни ҳам, ширкини ҳам тарк қилурман».** Муслим ривоят қилган.

Демак, Исломда ихлосли бўлиш катта ўрин тутди. Аллоҳга ибодат қилган одам фақат ихлос билан ибодат қилиши керак. Аллоҳ таолони кўриб тургандек ҳис билан, сезги билан яшаб, ўша ҳолатда туриб амалларни адо этиши лозим. Яратган Зотнинг талаби шу! Дунёда ихлос қилиш лозим бўлган дин Аллоҳ таолонинг динидир. Дунёда ихлос қилиш лозим бўлган шариат Аллоҳ таолонинг шариатидир. Холис дин тавҳид динидир. Аллоҳнинг дини Исломдир. Аллоҳ таоло Соффат сурасида марҳамат қилади:

حَنَّتْ فِي ۴۲ مُكْرَمُونَ وَهُمْ فَوْكُهُ ۴۱ مَعْلُومٌ رَزَقُ لَهُمْ أَوْلِيَّتِكَ ۴۰ الْمُخْلِصِينَ لِلَّهِ عِبَادَ إِلَّا ۳۹ تَعْمَلُونَ كُنْتُمْ مَا إِلَّا تُجْرُونَ وَمَا ۳۸ أَلَيْبِ الْعَذَابِ لَذَائِقُوا إِنَّكُمْ

«Албатта, сиз аламли азобни тотувчидирсиз. Фақат қилиб ўтган амалингизнинг жазосини оласиз, холос. Лекин Аллоҳнинг танланган бандалари мустасно. Улар, ана ўшалар учун маълум ризқ - мева-чевалар (бордир). Улар икром этилганлардир. Неъматланиш жаннатларида...» (38-43-оятлар).

Кофирлар гуноҳлари учун жазо ўлароқ, жаҳаннам азобига учрасалар, мўминлар тамоман бошқача ҳолатда бўладилар. Ихлосли мўмин бандалар учун ўзларига хос маълум ризқ бор. Бу ризқ турли-туман мева-чевалардан иборат. У мева-чевалар уларга кўринган жойда берилмайди.

Балки улар иззат-икром этилган ҳолда, наъим жаннатларида - нозу неъмат жаннатларида тақдим этилади. Мухлис-мўмин бандалар ўша ноз-неъмат жаннатларида ясатилган, устига, атрофига гўзал пардалар тутилган сўриларда бир-бирларига қараб, ҳузурланган ҳолларида бўладилар.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди